

Самарқанд шаҳри

01» 06 2022 йил

«Zarafshon» ва «Samarkandskiy vestnik» газеталари тахририяти давлат муассасаси кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади. Низоми асосида иш юритувчи бош мухаррир Ф.Тошев номидан, бир томондан ва Тошев - муҳаррир ўзининг маркази, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи унинг бошлиғи И. Ибраҳимов номидан иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг эълон ёки рекламасини газетада чоп этиш (кейинги ўринларда - «Хизматлар» деб юритилади), «Буюртмачи» ушбу «Хизматлар»ни қабул қилади ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Хизматлар»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек, уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи»дан «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Хизматлар» кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» кўрсатилган тақдирда ўз танловига кўра:

- зарур сифатга эга бўлган «Хизматлар» шунга ўхшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;

- «Хизматлар»нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплаш;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш.

### 2.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар» бўйича ўзининг мавжуд маблағлари доирасида «Бажарувчи» билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

### 2.3. «Бажарувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган «Хизматлар» учун олдиндан ҳақ тўланиши ва амалдаги қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш.

### 2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг «Хизматлар»ни кўрсатиш:

2.4.2. «Буюртмачи»га «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш.

2.4.3. Агар «Хизматлар»ни кўрсатиш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда текин тузатиб бериш.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 230000 (екки юз ушми мианг) сўми ташкил этади. Кўрсатиладиган «Хизматлар»нинг баҳоси мазкур шартнома иловасида кўрсатилган.

3.2. «Буюртмачи» кўрсатиладиган «Хизматлар» туркуми суммасининг \_\_\_ фоизи миқдорида 20\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_ ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва кўрсатилган «Хизматлар» учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин «Хизматлар» туркуми суммасининг \_\_\_ фоизи миқдорида 20\_\_ йилининг \_\_\_\_\_ гача якуний тўловни амалга оширади.

3.3. Кўрсатилган «Хизматлар» учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб, ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Бажарилган ишлар далолатномаси тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Буюртма»чининг ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана «Хизматлар»га ҳақ тўлаш бўйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилганда кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Бажарилган ишлар бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган ишлар сифати, миқдори «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган ишларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилаётган ишларнинг сифати талабларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Хизматлар» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Ишларни бажариш кечиктирилган ёки тулиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тулиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.4. Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов

суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратadbирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.6. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартнома назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратadbирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ «Бажарувчи» томонидан қопланади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2 нусхада 2022 йил «01» феврал 2022 йил «31» декабр гача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.3. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. Ушбу шартнома 2022 йил «01» феврал дан 2022 йил 31 декабр 2022 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарқанд вилоят фазначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОЙДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан киритилиши мумкин.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «Бажарувчи»

«Zarafshon» ва «Samarkandskiy vestnik» газеталари

таҳририяти давлат муассасаси

Манзили: Самарқанд шаҳри,

У. Турсунов кўчаси, 80-уй

Тел: 233-91-56, факс: 233-91-60

х/р: 20210000500436241001

Банк номи: ОАТБ «Агробанк»,

Самарқанд бўлими, МФО: 00279

СТИР: 202093701, ИФУТ: 58130

Раҳбари: Ф.Тошев

(имзо)

### «Буюртмачи»

Самарқанд шаҳридаги  
касб-хушорга ўқитиш  
маркази

Манзили: Сам. шаҳар

Сирита Исен шох кўчаси 264А уй

Х/р 399921860184017041232237002

Банк номи: Асака Банк

МФО: 0001 СТИР: 207243716

ОКОНХ:

Телефон: 66-110-22-02

Раҳбар (Ф.И.Ш): И. Ҳрашев

Юрист: Бекмуродов  
(имзо)

ИЛОВА  
2021 йил « 01 » 02 даги  
№ 15 -сонли шартномага

**«Бажарувчи»**  
«Zarafshon» ва «Samarkandskiy vestnik» газеталари тахририяти давлат муассасаси

Манзили: Самарканд шаҳри,  
У.Турсунов кўчаси, 80-уй  
Тел/факс: 233-91-51, 233-91-56  
Х/р: 20210000500436241001  
Банк номи: ОАТБ «Агробанк»  
Самарканд бўлими  
МФО: 00279 СТИР: 202093701  
ИФУТ: 58130



Раҳбари: *Тошев*

Ф.ТОШЕВ

**«Буюртмачи»**

*Самарканд Шаҳридаги  
Қосб-Қунарга Ўқитиш Маркази*

Манзили: *Сам. ш. Сиптақален ш. 164А*

Тел/факс: (66) 221-72-62  
Х/р: 399921260184017041232237002  
Банк номи: *Асока*  
СТИР: 207243716  
МФО: 00014  
ИФУТ: 85320



Раҳбари: *И. Эргасев*

(имзо)

(имзо)

Т/р	Товар (иш, хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси	Суммаси	ҚҚС		ҚҚС билан таъминот нархи
						Ставка	Сумма	
	<i>Тираж</i>	<i>ґалча</i>	<i>1</i>	<i>200 000</i>	<i>200 000</i>	<i>15%</i>	<i>30 000</i>	<i>230 000</i>
	<i>Сабт 20</i>							
Жами: <i>Мини ю туш эсимиз сиз</i>								



**«Бажарувчи»**  
«Zarafshon» ва «Samarkandskiy vestnik» газеталари тахририяти давлат муассасаси

*Тошев*

**«Буюртмачи»**



*И. Эргасев*